

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*F. Муҳамедов, С. Очилов,  
M. Ҳайдаров, З. Исмоилова,  
Л. Нурмуҳамедова*

# **БОЛА ТАРБИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ**


**„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2006**

# 74.200 Тарбия навзарияси ва услуби

Ўзбекистон олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005 йил 18-майдаги 107- сонли буйруғига асосан тузилган муаллифлар гуруҳи „Бола тарбияси концепцияси“ни яратди. У бола тарбияси билан шуғулланувчи барча ташкилот ва муассасаларга, педагог илмий ходимларга, амалиётчиларга, мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларига, академик лицей ва касб-хунар коллежларига, ота-оналарга тавсия этилади.

Тақризчи: профессор **K. Ҳошимов**

10-32147/09,



ISBN 5—645—04592—02

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2006

## КИРИШ

Инсон мўъжизалари майдонидаги иймон ва эътиқод, ҳалоллик ва поклик, диёнат, одоб ва ахлоқ юксаклиги сингари фалсафий-ижтимоий-педагогик ҳодисалар миллий истиқдолғояси ва мағкурасининг негизини ташкил қиласди. Зоро, ҳар қандай тараққиёт ўша педагогик тамойилларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай дейдилар: „Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!

Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади“. Демак, тарбия бола туғилиши биланоқ бошланиши лозим. Инсоннинг чақалоқлиги ва болалигидаги тарбияси унинг онги ва шуурида бир умр муҳрланиб қолади. Шунинг учун юртбoshимиз тарбия масаласига дикқат-эътиборни қаратмоқдалар. Бу муаммони ҳал қилишда давлат бош ислоҳотчи экани алоҳида таъкидланади.

Демак, бола тарбияси бўйича маҳсус қўлланмалар, дарслик-лар, ўкув дастурлари ва режалари яратиш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масаласидир. Бу борада бола тарбияси концепцияси зарурий йўлланма вазифасини ўтайди.

## **1. Жамият ва бола тарбияси**

Жамиятнинг келажаги, равнақи ва тараққиёти тарбия билан бевосита боғлиқдир. Зоро, тарбия инсон тафаккурини юксалтиради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юртбошимиз ўзининг илк нутқ ва маърузаларида, биринчи асарларидаёқ тарбия масаласини тўғри йўлга қўйишга эътиборни қаратди. Айниқса, „ўз-ўзини англашнинг тикланиши“, „ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағуруланиши“, „ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтириш“, „ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш“ ҳақидаги пурмъально фикрлари тарбия муаммоларини тўла ҳал қилиш учун дастуруламалдир.

Президентимиз Ўзбекистонда барпо этилаётган янги эркин демократик жамиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, олиб борилаётган барча ислоҳотларда тарбиянинг зарурлиги ва муҳимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Юртбошимиз „... сиёсий-маънавий ислоҳотларда ҳам, миллий тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлишини тан олишимиз керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойdevорини асослаб беришимиз даркор“ лигини давлат аҳамиятига эга бўлган масала сифатида қарайди.

Дарҳақиқат, тарбия, хусусан миллий тарбия давлат ва жамият тараққиётида муҳим ўринни эгаллагайди. Тарбия ишида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши сиёсий-ижтимоий, тарихий-фалсафий аҳамият касб этади.

Ўзбек халқининг тарихига назар ташланса, бир умр тарбия муаммосини ҳал қилиш асосий ўринни эгаллаган. Мўътабар „Авесто“да ҳам, Муқаддас Куръони Каримда ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадисларида ҳам, шунингдек, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд, Фиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Имом Фаззолий каби фузалою уламоларимиз ўғитларида ҳам, қолаверса, Юсуф Ҳожиб, Ал-Беруний, Ал-Форобий, Аз-Замахшарий, Алишер Навоий, Оғаҳий сингари олиму шоирларимиз асарларида ҳам тарбия масаласига алоҳида эътибор берилган.

Юқоридаги далиллар ҳар бир тарихий даврда, ҳар қандай жамиятта тарбиянинг зарурлигини кўрсатади. Зотан, жамият тараққиётини, инсон фаровонлигини тарбиясиз тасаввур қилиш қийин.

Одам туғилганидан бошлаб умрининг охиригача тарбияланади ёхуд тарбия олади. Демак, инсон келажаги, ҳаёт ва турмуш, кўпинча, тарбия билан боғлиқ. Шундай экан инсон тарбияси у чақалоқлигидан бошланади. У болалигига қандай тарбияланган бўлса, унинг хулқ-атвори, ахлоқ-одоби шунга қараб шаклланади.

Шунинг учун бизнинг жамиятимизда бола тарбиясига асосий диққат-эътибор қаратилган. Халқимизда „Болалар — келажагимиз“ деган ҳикмат бор. „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ да шу ҳикмат ўз ифодасини топган бўлиб, унда эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эътиқоди бутун, ахлоқий пок, одобли авлод бунёд эта олиши алоҳида қайд қилинган.

Демак, ёш мустақил Ўзбекистон жамияти тараққиёти ва унинг келажаги асосини бола тарбияси ташкил қиласди. Жамият равнақи билан бола тарбияси муштаракдир.

## 2. Бола тарбиясининг мақсад ва вазифалари

Бола тарбияси уни қуршаб олган оила, ота-она, мактаб, дўстлар, атроф-муҳит, оммавий аҳборот воситалари, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар орқали олиб борилади. Улар боланинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам маънавий ривожланиш жараёнини бошқариб бориши керак.

Тарбияга масъул барча шахслар — ота-она, ўқитувчи-тарбиячи, маҳалла фаоллари миллий истиқбол тоғасининг асосларидан бири — комил инсон тоғасини амалга оширишлари лозим. Бу тоға миллий, умуминсоний мазмунга эга бўлиб, у олийжаноб инсонга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамол инсоннинг қарор топишига етаклади.

Комил инсонни тарбиялаш халқимизнинг азалий орзу-умиди бўлиб келган. Чунки у халқ фаровонлигини таъминлаш, давлат ва жамият тараққиёти, ҳаёт ва турмушнинг тобора яхшиланиб боришида жуда катта рол ўйнайди.

Халқимизда „Сут билан кирган жон билан чиқади“, деган ҳикмат борки, бу бола тарбияси билан бевосита боғлиқдир. Инсоннинг гўдаклиги ва болалигига берилган тарбия унинг вужудида, руҳида, қалбида доимий равишда муҳрланиб қолади. Демак, комил инсон тарбияси унинг гўдаклигидан бошланиб,

кейин у тарбия тамойиллари асосида босқичма-босқич давом этади. Бунда, албатта, боланинг ёш хусусияти, оиласи мұхити, унда шаклланиб бораётган психологик ҳолатлар, тақлидчилиги, ботиний кечинмалари, жисмоний ривожланиши ва шу кабиларни назардан қочирмаслик лозим.

Бинобарин, бола тарбияси муайян мақсадга йұналтирилиши керак. **Бизнинг жамиятимизда бола тарбияси мақсади** — ҳар томонлама гармоник ривожланган, оиласи, давлат ва жамият равнақи учун фойда келтиришга қодир, ақлий ва жисмоний соғлом инсонни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тарбиявий вазифаларни амалга ошириш зарур:

- ҳомиланинг она қорнида түгри ривожланиши учун оналарга барча шарт-шароитларни яратиш;
- гүдак туғилиши биланоқ миллий тарбия урф-одатларини, аңъаналарини тұлақонлы ташкил қилиш;
- шартли ва шартсиз рефлекс қонуниятларига амал қилиш ҳамда уларни назорат қилиб бориши;
- боланинг жинсига мос ўйинчоқларни олиб бериш ва ўйнатишни түгри ташкил қилиш;
- оила мұхитини соғломлаштириш;
- меңнаттағы үргатиши;
- ота-онага ҳурмат;
- ўзи туғилиб ўсған заминга ва Ватанга мұхаббат;
- биродарлик;
- ҳамкорлик;
- инсонпарварлық;
- халқпарварлық;
- ватанпарварлық;
- меңр-оқибат;
- ўзлигини англаш;
- миллий қадриятлар ва аңъаналарни қадрлаш;
- аждодлар меросини эъзозлаш ва асраш;
- Ота-она, Ватан, давлат, халқ ва жамият олдидаги бурчларга содиқ қолиши ва уларни амалга ошириш;
- мардлик ва жасурлик;
- ҳалоллик ва түғрилик;
- малихлик;
- илм әгаллаш;
- иймон ва эътиқод;
- Ватани, халқи тарихидан ва бугунидан фахрланиш;
- дүстларга садоқат;

— адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилиш ва шу каби түйғу ҳамда фазилатларни шакллантириш ва тарбиялаш.

Зикр қилинган юқоридаги вазифаларни амалга ошириш жараёнида миллийликни унутмаслик зарур. Зоро, миллий таълим-тарбия миллий тафаккурнинг юксалиши ва теранлашувига асос бўлиб хизмат қиласди. Миллий тафаккур миллий маънавият ва маърифатнинг юксак чўққиларни забт этишига кўмаклашади.

### 3. Тарбия ишларининг моҳияти ва мазмуни

Ўзбекистонда бола тарбияси моҳияти ўз оиласи, Ватани, жамияти ва халқига садоқатли, миллий қадрият ва анъаналарни қадрлайдиган, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашга ҳисса қўшадиган, эзгулик, ҳалоллик, адолат ва ҳақиқатни ўзида мужассам қилган комил инсонларни тарбиялашга хизмат қиласдиган тарбиявий ғоялар тизимиdir.

Миллий тарбия, айниқса, бола тарбияси миллий истиқлол мафкурасининг ажралмас қисми бўлиб, у:

— Узбекистон Республикаси Конституцияси, „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“, миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда анъаналар, аждодларимизнинг тарбия тўғрисидаги мумтоз таълимотига асосланади;

— мумтоз фузалою уламоларимиз, исломий тарбия фалсафаси, халқ анъаналари, ҳозирги замон тарбия тажрибаларидан озиқланади;

— иймон ва эътиқодни, ҳалоллик ва покликни, ишонч ва фидойиликни, меҳр-оқибатни акс эттиради;

— миллати ва халқининг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди;

— бутун имкониятини болаларнинг илм олишига, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш руҳида тарбиялашга сафарбар қиласди;

— бола онгига юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, адолат ва ҳақиқат түйғуларини сингдиришни таъминлайди;

— эркин ҳаёт ва турмушга, оиласга, ўзини ўзи ва Ватанинни ҳимоя қилишига, қиз болаларни яхши уй бекаси бўлиш баробарида жамият равнақи учун хизмат қилишга тайёрлади;

- жамоат орасида, ўқув муассасаларида, иш жойида, ўзидан катталар ҳузурида ўзини тута билишни ўргатади;
- сабр-қаноат, қийинчиликларни енгиги ўтиш, дадиллик, ҳар қандай вазиятда ҳам одил бўлиш каби илмлардан сабоқ беради.

Комил инсон ва соғлом авлод тарбияси бугунги тарбия ишларимизнинг асосий мезонидир. Бундан кўриниб турибдики, жамиятнинг ҳар бир аъзоси — тарбиячи ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, спорт устозлари, умуман, барча-барча бола тарбиясида фаол иштирок этиши ва бу борада хизмат қилиши лозим. Халқимиз „Бир болага етти қўшни ота-она“ — деб бежиз айтмаган. Демак, бола тарбияси халқимизнинг умумий ишидир.

Болани келгуси ҳаётга тайёрлаш оиласининг, маҳалланинг ва жамиятнинг муққадас бурчидир. Шунинг учун мустақиллик тантанасидан кейин бола тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган масала даражасига кўтарилиди.

Келажак тақдирни бугунги бола тарбиясининг даражаси салмоғига боғлиқ эканини асло унумаслик керак. „Нима эксанг, шуни ўрасан“, „Куш уясида кўрганини қилар“ каби халқ ҳикматларининг маъно-мазмуни бола тарбиясига эътибор бериш ва бу ҳақда муттасил қайғуриш лозимлигини тақозо этади.

#### **4. Бола тарбиясининг асосий тамойил ва воситалари**

Тарбия тараққиёт ҳикмати ва мезонидир. Тарбия туфайли инсон онги ўсади, идроки мустаҳкамланади, фикрлаш кўлами кенгаяди, ахлоқ-одоби юксалади, ҳаётда ўз ўрнини топади, жамият равнақига, халқ фаровонлигига нафи тегади, у шахс бўлиб шаклланади.

Боланинг шундай шахс бўлиб тарбияланиши учун қуйидаги тамойиллар муҳим рол ўйнайди.

1. Таълим ва тарбияяга эгизак тушунчалар ҳамда диалектик бирлик сифатида қараш.
2. Тарбияда доимий равишда давлатнинг бош ислоҳотчи ва раҳнамо бўлиши.
3. Оила, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги.
4. Тарбия бўйича узоқ муддатли стабил дарсликлар, ўқув

қўлланмалар ва қўшимча қўлланмалар яратиш, уларга фан характеристига мос қилиб миллий истиқлол ғоясини сингдириши.

5. Бола тарбиясига оид миллий қадриятлар ва халқ анъаналарини муттасил қайта тиклай бориб, уларни ҳаётга татбиқ этиш.
6. Бола тарбияси самарасини оширишга кўмак берадиган янги педагогик технологияларни кенг жорий қилиш.
7. Бола тарбияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, шу ишга ёшларни кўпроқ жалб этиш.

Юқорида зикр қилинган бола тарбияси тамоиллари миллий қадриятлар ва халқ анъаналари, мумтоз тарбия фалсафаси, ҳозирги замон тарбия технологияси, миллий истиқлол ғояси, „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“нинг негизини ташкил қиласиди. Улар тўла амалга оширилса, келажаги буюк давлатнинг пойдевори мустаҳкам қурилади, жамият маънавий-ахлоқий, ижтимоий-маърифий жиҳатдан мустаҳкамлана боради.

Тарбия равнақи тамоилларини амалга ошириш қўйидаги воситаларни вужудга келтириши ва улардан унумли ҳамда самарали фойдаланишини тақозо этади:

- оила тарбиясида бува-буви, ота-она, ака-опалар иноқлиги;
- маҳалла фаоллари ва маҳаллада ташкил қилинган тарбия шохобчалари: ўйин майдонлари, турли тўгараклар ва шу кабилар;
- мактабда дарс жараёнида ёхуд мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар;
- миллий ахборот воситалари, радио ва телекўрсатувлар;
- ҳомий ташкилотлар, корхона ва муассасалар;
- болалар боғчалари;
- болалар театрлари, ашула ва рақс дасталари;
- болалар кутубхоналари;
- халқ оғзаки ижоди ва болалар адабиёти намуналари.

Ушбу бола тарбияси учун зарурий восита ва омиллар боланинг гармоник ривожланишига, унинг зеҳни ўткир, кенг мушоҳадали, юксак ахлоқ-одобли, фикри теран бўлиб етишишига, жамиятнинг фаол иштирокчисига айланишига, комил инсон бўлишига самарали таъсир қиласиди. Тарбия жараёнида тарбия учун масъул шахслар юқорида таъкидланган тарбия тамоийл ва воситаларидан унумли, ижодий фойдаланишлари лозим.

## **5. Бола тарбиясининг босқичлари**

Бола тарбияси ҳамма даврда, барча жамиятларда ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унга асосий ва муҳим вазифа сифатида қаралган. Ва айни чоқда у ўта мураккаб ва масъулиятли жараёндир. Инсон тарбия орқали камолотга эришади. Бироқ бу нарсага бирданига эришиш асло мумкин эмас.

**Тарбия босқичма-босқич олиб борилади.**

**Оила тарбияси.** Бу ерда бува-буви, ота-она, ака-опаларнинг бирлиги назарда тутилади.

**Мактабгача тарбия муассасалари тарбияси.** Муассаса мудираси, тарбиячилар фаолияти.

**Мактаб тарбияси.**

**Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тарбияси.**

**Олий ўқув юртлари тарбияси.**

Айрим болалар умумий ўрта таълимни олгач, турли жойларда меҳнат фаолиятларини бошлашлари мумкин. Ўша масканларда тарбия ўзига хос хусусиятга эгадир.

Юқорида зикр қилинган таълим-тарбия муассасаларида тарбия ранг-баранг тарбия принциплари, шакл ва методлари асосида олиб борилади.

## **6. Тарбиявий ишларнинг шакл ва методлари**

Ўзбек халқининг тарбияшунослик тарихига назар ташланса, у доимо тарбия билан шуғулланган. Уларнинг тарбияланганлик даражаси турлича бўлган. Одобли болалар ва одобсиз болалар ёнма-ён юришган. Бундай далиллар ёзма ёдгорликларда ўз ифодасини топган.

Тарбияда тарбия ишларининг таъсирчанлиги, қай йўсинда олиб борилиши, қандай шаклда ташкил қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги болалар „ундоқ қил, бундоқ қил“ қабилидаги панд-насиҳатларни хуш кўришмайди. Шунинг учун тарбиянинг таъсирчан шакл ва методларини излаш, ижод қилиш тарбиячининг асосий вазифасидир.

Болага „меҳнаткаш бўл“, „мулойим бўл“, „кагталаарни ҳурмат қил“ каби сўзларни қанча айтманг, бу унга таъсир қилмайди. Шундай насиҳатлар ўрнига „Зумрад ва Қиммат“ эртагини ўқитсангиз ёхуд шу эртак асосидаги бадиий фильмни намойиш қилсангиз, бу болага тезда таъсир қиласди, ундан тегишли хулоса чиқаришга ҳаракат қиласди.

Тарбия таъсирчанлигини ва самарадорлигини ошириш учун бу жараёнда болаларнинг фаоллитига эришиш мақсадида тарбиянинг турли шаклларидан фойдаланилади.

Боланинг энг севимли машгулоти йийиндир. Айниқса, ҳаракатли ўйинлар орқали болалар ҳам жисмонан, ҳам ақлан камолга ета борадилар.

Тарбияда болаларнинг тақлидчилигидан фойдаланиб, уни тўғри йўналтириб, яхши, обрў-эътиборли, машҳур кишиларга эргаштириш муҳим. Бола ёмонларга эргашганидан кўра яхшиларга эргашгани афзал.

Табиат қўйнига сайр, диққатга сазовор жойларга, қадимий шаҳарлар (Хива, Самарқанд, Бухоро)га экспурсиялар уюштириш боланинг соглом ўсишига, эстетик дидини тарбиялашга, миллий қадриятларга, Ватанимиз тарихига ҳурмат туйгуларини шакллантиришга ёрдам беради.

**Китобхонлик** бола тафаккурининг юксалишида, ҳаёт ва турмушда турли воқеа ҳамда ҳодисаларни қиёсий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришда, зеҳнини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Турли мавзуларда баҳс-мунозаралар ўтказиш орқали болани тез фикрлашга, нутқини ўстиришга, ҳозиржавоб бўлишига ўргатилади.

Ранг-баранг мавзуларга бағишланган кечалар, машҳур кишилар билан учрашув кечалари, байрам ва маросимларда ўтказилидиган кечалар бола тарбиясига самарали таъсир қиласди. Бу, албатта, тарбиячининг ижодкорлиги, маҳорати, салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Маълумки, болалар тарбиясида турли ёндашув, ранг-баранг усул ва методлардан фойдаланилади. Бу жуда муҳим педагогик жараён ҳисобланади. Бундай методларни қўллашда болаларнинг ёши, характеристи, билими, дунёқарashi, ички дунёси ва шу кабиларни ҳисобга олиш зарур.

Кичик ёшдаги болалар (туғилганидан то мактабгача давр) эркалаш, мақташни хуш кўришади. Демак, тарбияда эркалаш ва мақташ муҳим ўринни эгаллайди.

**Рағбатлантириш** боланинг руҳини кўтаради, янада яхши бўлиб ўсишига ёрдам беради. Бироқ эркалаш, мақташ ва рағбатлантириш меъёридан ошиб кетмаслиги лозим.

Болалар билан савол-жавоблар, сұхбатлар уюштириш жараёнида улар бурро-бурро сўзлаш, фикрларини аниқ баён этишга

**ўрганадилар. Танбек бериш болаларни сергак бўлишга, хатоларини ўз вақтида тўғрилашга даъват этади.**

**Болаларнинг ахлоқ-одобини, феъл-авторини, хуллас, тарбияланганлик даражасини оширишда ўринак қилиб кўрсатиш, намуна қилиш зарурый ва муҳим тарбиявий усуладир.**

Такрор таъкидлаймизки, болалар тарбияси самарадорлигини ошириш, уларни баркамол инсон ва ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялашда, бу ишларни тўғри олиб боришида ранг-баранг шакл ва методлардан ўринли фойдаланиш, тарбиячиларнинг бу борадаги ижодкорлиги муҳимдир.

## **Ахлоқий тарбия**

Болаларнинг ахлоқий тарбияси ҳақида сўз борар экан, дастлаб уларнинг ёши ва вояга етгунча даврларни ҳисобга олиш зарур: гўдаклик даври, боғча ёши даври, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилик даври, умумий ўрта таълимдаги ўқувчилик даври, касб-ҳунар коллежи ёхуд академик лицейдаги ўқувчилик даври.

Шундай экан, ахлоқий тарбия йўналишлари, тамоиллари, усул ва методлари, шакллари, мазмунни турли-турли бўлиши табиий ҳолдир. Бундай ҳолатда тарбиячилар тарбиявий ишларини болаларнинг ёш даврларини тўла ҳисобга олган ҳолда олиб боришлари лозим. Бу тарбиянинг асосий қонуниятидир.

Президентимиз „Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа“ деб сабоқ берар экан, ўша ҳикматнинг негизида ахлоқий тарбия муаммоси турибди. Бу ҳақда юртбошимиз шундай дейди: „...ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки саломалик, хуш муомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани“, („Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари“, Т. „Ўзбекистон“, — 1995, 53-бет). Болалар тарбиясида тарбиячилар шу қоидага риоя қилишлари керак.

Зотан, ахлоқсиз ва одобсиз киши ҳеч қачон маънавиятли инсон ҳисобланмайди.

Демак, ахлоқий пок инсонларни тарбиялаб етиштириш бугунги кундаги долзарб муаммодир. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муаммони ҳал қилиш иши одамларнинг гўдаклигидан бошланиши лозим.

Шарқ мутафаккирлари ахлоқни икки групга ажратишган. Чунончи, яхши хулқ ва ёмон хулқ. Улар яхши хулқни ривожлантириш, такомиллаштириш қоидалари ва методларини кўрсатиб беришган.

Юртбошимизнинг „Ахлоқ — бу, аввало, инсоф ва адолат туйуси, имон, ҳалоллик дегани“ каби фикри пурмаъно бўлиб, у Шарқ мутафаккирларининг фикрларини тўлдиради ва фалсафий-ахлоқий маъно касб этади. Шунинг учун бизнинг тарбиячиларимиз, тарбияшунос олимларимиз ўзларининг амалий ва илмий фаолиятларида шу ҳикматли фикрларни методологик асос қилиб олишлари керак.

Ахлоқий тарбия ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, экологик, эстетик, иқтисодий, ҳуқуқий, жисмоний сингари тарбия соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

### **Ватанпарварлик тарбияси**

„Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табарруқ маскандир“ дейилади „Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар“ рисоласида (51- бет). Дарҳақиқат, Ватан ҳар бир инсон учун муқаддасдир. Шу Ватанни асраш, унинг равнақи йўлида фидойи бўлиш, ҳалқини севиш, ҳар бир қарич ерини, табиатини, бойликларини, обўсими ҳимоя қилиш, хуллас, бутун борлигини жон қадар қўриш, уни ички ва ташки душманлардан қўриқлаш ватанпарварликнинг худди ўзгинасадир.

Бу ахлоқий ғоя ва туйғуларни болалар онгига, шуурига сингдириш, қалбига муҳрлаб қўйиш барча тарбиячилар, бутун жамоа аъзоларининг мўътабар бурчи ва вазифасидир. Ёш мустақил давлатимиз ва Ватанимизнинг гуркираб яшнашида ватанпарварлик тарбияси муҳим аҳамият касб этади.

### **Меҳнатсеварлик тарбияси**

„Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат“ дейди доно ҳалқимиз. Ватан, ҳалқ фаровонлиги, баҳтли ҳаёт манбаи меҳнатдир. Шу маънода меҳнат тарбияси доимий равишда асосий вазифа ҳисобланади.

Меҳнат характеристи ва мазмунига кўра ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнатларга гурухланади. Ота-она, тарбиячилар, муаллим-мураббийлар болаларнинг иқтидори, салоҳияти, қизиқишиларига қараб, яъни бола нимага қизиқса, тарбиянинг шу турига эътиборни кучайтирадилар.

Республикада бозор иқтисодиёти шаклланаётган бир пайтда болаларни меҳнатсевар қилиб тайёрлаш меҳнат тарбиясининг

асосий мақсадларидан биридир. Бунда, албатта, шаҳар ва қишлоқлардаги меңнат тафовутлари, ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари, шарт-шароитлари назарда тутилиши керак.

Маълумки, қишлоқ жойларида, асосан, дехқончилик, боғдорчилик, пахтачилик, чорвачилик ва шу кабилар билан машғул бўлишади. Демак, қишлоқда тарбиячилар тарбияни ўша қишлоқ хўжалиги меңнати билан мослаштирадилар.

Шаҳарлик болалар шаҳар шарт-шароитига хос меңнат турлари орқали меңнатсеварлик руҳидаги тарбияланадилар. Тарбиячи шу ишда ўз салоҳиятини, ижодкорлигини, иқтидорини намоён қиласди.

Тарбиячилар болалар онгига қишлоқ ёхуд шаҳар жойларида бозор иқтисодиёти шарт-шароитидаги ҳар қандай меңнатдан фойда олиш малакаларини сингдиришлари зарур. Бу инсоннинг шахсий турмушини ҳамда давлат ва ҳалқ фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Меңнатсеварлик тарбияси жараёнида тарбиячилар қишлоқ ёки шаҳар болаларига меңнат тарбиясини олиб боришда қўйидаги тарбия тамойили ҳамда вазифаларини назарда тутишлари лозим:

- меңнатга иштиёқ;
- меңнат самараси;
- жамоага ҳурмат ва жамоа бўлиб ишлаш кўникмалари;
- ҳамкорлик;
- жисмоний камолот;
- биродарлик ва дўстлик;
- муомала-муносабат;
- ватан ва ҳалқ фаровонлиги;
- интизом;
- меңнатнинг осон туридан қийин турига ўтиш;
- боланинг руҳиятига қараш;
- ҳашар;
- ижодкорлик;
- сабр-чидам ва матонат;
- ўзаро аҳиллик;
- сифат ва самарадорлик;
- вақт тежамкорлиги;
- ҳалол меңнат ва шу кабилар.

Юқорида зикр қилинган ишларни амалга ошириш тарбиячилар, тарбия соҳаси бўйича дастур ва режа, дарслик ва ўқув кўлланмалар яратишга масъул олим-педагоглар ўз олдиларига асосий тамойил ва вазифа қилиб қўйишлари мақсадга мувофиқдир.

## Экологик тарбия

Экологик тарбия — атроф-муҳитга, оламга, одамга, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига муҳаббат ва эҳтиёткорона муносабатларни шакллантириш жараёнлариидир. Табиатта маънавий етук муносабатни уйғотиш табиатшунослик, маънавий, ахлоқий, эстетик, экологик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Болалар табиатни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган маълумотлари — табиат бойликларидан унумли фойдаланиш, атмосфера ва атроф-муҳит тозалигини асрash, улардан тўғри фойдаланиш; табиат қонуниятлари, унинг ўзгариб туриши ҳақидаги билимларни эгаллаш; табиатдаги талафотлар оқибати; саноат корхоналари чиқинчиларининг зарари; ҳаво тозаловчи ўсимликлар, сув бойликлари, тупроқ ва уни заҳарловчи моддалар; ўрмон, чўл, саҳро, ўсимликлар, ҳайвонот муҳофазаси — ов қилиш қонун-қоидалари ва бошқалар ҳақидаги асосий тушунчаларга эга бўлишлари лозим.

Экологик тарбия табиатни ўрганиш ва унинг муаммолари хусусидаги синфдан ташқари турли машғулот шаклларидан фойдаланишини талаб қиласди. „Табиат ошиғи“, „Жонзотлар дўсти“, „Табиат — эстетика-экология“, „Жонажон ўлка“, „Ҳайвонот олами“ каби тўғарак ва факультатив курслар, „Ўрта Осиёning ўсимликлари дунёси“, „Табиат тадқиқотчилари“ сингари клублар, „Табиатни ўрганувчилар“, „Табиатни муҳофаза қилиш жамияти“ ва бошқа қизиқишлар бўйича бирлашмаларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўз тумани ҳудуди, шаҳар, қишлоқ, вилоят, республика табиатини чуқур ўрганиб, унинг муҳофазасига бағишилаб тарғибот ишларини олиб бориш ҳам катта натижалар беради.

Болалар „Қизил китоб“ ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим. Унга жиддий муҳофазага муҳтоҷ жойлар, қушлар, ҳайвоnlар ва шу кабилар киритилиши, улар эса давлат томонидан назорат қилиниши ҳақида болаларга маълумот бериб бориш керак. Бироқ собиқ шўро даврида бутунлай унutilган табиатга муносабат, уни асрash билан боғлиқ миллий қадрият ва халқ анъаналарини қайта тиклаш, уларни болалар онгига сингдириш экологик тарбия муаммоларидан ҳисобланади. Зоро, экологик тарбия инсон саломатлиги ва фаровонлигининг гаровидир.

## Эстетик тарбия

Гўзаллик оламни, одамни, кўнгилларни, руҳни яшнатади, поклик, мусаффолик, нозик ҳис-туйгулар баҳш этади. Гўзаллик инсонни ижодкорликка, меҳнатга, эзгуликка илҳомлантиради

ва ундаиди. Демак, гўзаллик ва гўзал туйғуларни инсон онгига, жонига, қонига сингдириш нурли истиқбол сари боришда куч-куват бағишилайди.

Инсон ҳаётига ва фаолиятига гўзалликни олиб кириш, унинг руҳини тетиклаштириш ва юксалтириш, ижодкорликка илҳомлантириш, поклаш билан эстетик тарбия шуғулланади. Шунинг учун эстетик тарбия фалсафий-педагогик, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий характерга эгадир.

Эстетик тарбия муаммосини ҳал қилиш инсоннинг чақалоқлигидан бошланиб, умрининг охиригача давом этадиган тарбия жараёнларидир. Чақалоқликдан боғчагача бўлган даврда ранг-баранг ўйинчоқлар, турли-туман чиройли шаклдаги буюмлар, миллий руҳдаги аллалар айтиш, халқ қўшиқларини эшигтириш, гўзал табиат манзараларида, гулзорларда, сув бўйларида олиб юриш ва шу кабилар ота-оналарнинг муҳим тарбия шакл ва усулларидан бўлиши зарур.

Боғча даврида эстетик тарбия кўпроқ гўзаллик бахш этадиган ўйинлар, эртаклар ўқиб бериш, мусиқа, табиат қўйнида сайр қилдириш, шеърлар ёдлатиш, бадиий-маданий кечалар ташкил қилиш, қўшиқлар ўргатиш, айттириш ва шу сингари тадбирлар орқали олиб борилади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг эстетик тарбияси шакл ва усуллари, маъно-мазмуни кенгаяди, янада такомиллашади. Уларда гўзаллик туйғулари дарсда, синфдан ташқари ишларда, қўшимча дарслар жараёнида шакллантирилади.

Умумий ўрта таълим даврида болалар юқорида зикр қилинган тарбия шакл ва усуллари билан барча мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига, қадимий шаҳарларга экспурсиялар уюштириш, ашула ва рақс дасталари, бадиий уюшмалар, адабиёт, мусиқа тўғараклари орқали эстетик руҳда тарбияланадилар.

Юқори синфларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида эстетик тарбия фалсафий маъно-мазмун касб этиши лозим.

Тарбиячи ва муаллимлар тарбиявий фаолияти жараёнида қуйидаги тамойил ва вазифаларни назарда тутишлари мақсадга мувофиқдир:

- эстетик дидни шакллантириш ва ошира бориш;
- завқ олиш ва завқлантириш қўнималарини ҳосил қилиш;
- эзгулик улашиш;
- гўзалликни хунукдан фарқлашта, яхшини ёмондан ажратабилишга ўргатиш;

- тунд бўлиб юрмаслик, очиқ чехра бўлиш;
- ширин ва мантиқий, бурро-бурро сўзлаш санъати;
- кўплаб китоб мутолаа қилиш;
- гўзал ва миллий кийиниш;
- ҳалол ва мулойим бўлиш;
- боғу роғлар, гулзорлар яратиш;
- бадиий адабиёт, ҳалқ оғзаки ижодига, мусиқага қизиқиш;
- табиатни асраш;
- байрамларда ота-оналарни, қариндош-урӯларни, устозларни кутлаш санъати ва ҳоказолар.

Тарбиячилар, ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, маҳалла, жамоатчилик эстетик тарбия жараёнида юқоридаги вазифаларни амалга оширишда, биринчидан, ўзлари эстетик жиҳатдан тарбияли, иккинчидан, ўрнак бўлишлари, қолаверса, ўша тарбия шакл ва методларини ишлаб чиқишлиари, улардан унумли ва самарали фойдаланишлари лозим.

## Иқтисодий тарбия

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш ва бозор муносабатлари юксалаётган бир даврда иқтисодий тарбия долзарб масаладир. Зоро, бу тарбия миллий истиқдол фоясининг таркибий қисми — ҳалқ ва ватан фаровонлигини оширишда мухим аҳамият касб этади.

Иқтисод тарбиясига ҳалқимиз ва мумтоз педагог олимлар доимий равишда алоҳида аҳамият беришган. „Иқтисод, — деб таълим беради Абдулла Авлоний, — пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоқни айтилур“. Зоро, пул ва мол ҳалол меҳнат эвазига келиши ва ҳалол бўлиши зарур.

Ислоҳотларнинг беш тамойилида „Иқтисодиётнинг сиёsatдан устуворлиги“ ҳамда „Бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишга асосий урғу бериладики, бу Ватан ва ҳалқ фаровонлигини ошириш ва яхшилаш муаммосини ҳал қилиш билан боғлиқдир“. „Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак“ дейилади „Миллий истиқдол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар“ рисоласида. Ҳалқ ва Ватан фаровонлиги биринчи навбатда иқтисодга бориб тақалади.

Бу вазифани амалга ошириш иқтисодий тарбияни тўғри йўналтириш ва такомиллаштиришни тақозо этади. Иқтисодий тарбияни яхшилаш учун оила — мактаб — маҳалла ҳамкорлигига Эришиш зарур.

Бунда қўйидаги тарбия тамойилларига риоя қилиш лозим:

- ҳалол меҳнат орқали ҳалол пул топишга ўргатиш;
- тижорат, тадбиркорлик, ишбилармонлик туйғуларини шакллантириш ва тарбиялаш;
- тежамкорлик кўнишка ва малакаларини ошириш;
- оиласа, маҳаллада исрофгарчиликка чек қўйиш руҳини вужудга келтириш;
- шахсий, мактаб, давлат мулкини асраб-авайлаш;
- меҳнат самарадорлигини ошириш, сабр-қаноат тарбияси ва шу кабилар.

Иқтисодий тарбия, юқоридаги сингари тамойилларни тўғри ва онгли равишда йўналтирилса, кўпроқ самара беради. Иқтисодий тарбия боланинг ёшига мос ҳолда олиб борилиши лозим.

## Хуқуқий тарбия

Мустақиллик тантанасидан сўнг қонун устуворлигига алоҳида аҳамият берила бошланди ва у ислоҳотларнинг беш тамойилидан биридир. Қонун устуворлиги, яъни унинг барчага баробар экани Адолат ва Ҳақиқат барқарорлиги учун муҳимдир.

Қонун устуворлиги масаласи муқаддас Қуръони Каримда ҳам, пайғамбаримиз Мұхаммад (с.а.в.) ҳадиси шариғларида ҳам, мумтоз педагог олимларимиз асарларида ҳам, ҳалқ тарбия анъаналарида ҳам асосий ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ҳалқимизнинг асосий қонунлар мажмуаси бўлиб, унда ҳалқ баҳтсаодати ҳимояси қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Қолаверса, Президентимиз ўз асарларида қонун устуворлигининг аҳамияти, роли, қонун олдида барча тенг масъуллиги ҳақида таълимот берган.

Яқинда юртбошимиз ташаббуси билан ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистон давлатининг инсонпарварлиги ва бу борада ривожланган давлатлар сафидан ўрин олаётгани, инсон хуқуқларининг барқарорлашаётганидан далолат беради.

Энг асосийси, юртбошимиз ва давлатимиз ҳуқуқий тарбияга дикқат-эътиборни қаратмоқдаки, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларининг таълим-тарбия режаларига, дастурларига ҳуқуқий тарбия фани киритилган.

Мустақилликдан олдин, собиқ Шўро тузуми даврида ҳалқ ўз хуқуқларини билмаганлиги туфайли ва қонунга риоя қилин-

магани, мавжуд қонунларнинг амалда тескариси бўлгани туфайли халқ муте, қарам, ўзини қуллардай тутишга кўниги қолганди.

Ҳар соҳада тараққиёт, ривожланиш, яхши турмуш бўлиши учун адолат ва ҳақиқат, уларнинг негизи бўлмиш — қонун устуворлиги бўлиши зарур, қолаверса, халқ ўз ҳуқуқларини билиши лозим.

Халқ ҳаёти ва турмушининг яхшиланиши, фаровон бўлиши учун ҳуқуқий онгнинг ўсишида ҳуқуқий тарбия муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий тарбия инсонларнинг, жамият аъзоларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш ҳамда талаб қилиш ва айни чоқда халқ ва давлат олдидаги бурчларини англаш кўникмаларини шакллантиради.

Демак, ҳуқуқий тарбия жамият тараққиётининг негизидир. Шунингдек, болалар тарбиясида ҳуқуқий тарбия асосий ўринлардан бирини эталламоғи, унга эътиборни кучайтирмоқ лозим. Ҳозирги болалар ҳуқуқий жиҳатдан тўла тарбияланган ҳолда ҳаёт сари қадам кўшишлари зарур.

## Жисмоний тарбия

Жамиятда ижтимоий ўзгаришлар, илмий-техник тараққиётга мувофиқ равишда болалар ўсиши ва ривожида тезлашув, унинг вужудида турли анатомик-физиологик ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги пайтда ўсиб келаётган ёш авлод янги ҳаёт тарзига кўникишнинг машаққатли вазиятида маълум жисмоний тайёргарликни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг „Жисмоний тарбия тўғрисида“ги, „Таълим тўғрисида“ги Қонунларида Ўзбекистон аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга, ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Унда мактабгача ёшдаги, бошланғич, таянч ва ўрта мактаб ўқувчиларини тарбиялашнинг услугуб ва шакллари, қоидалари аниқ белгилаб берилган.

Жисмоний тарбия ва спорт, тозалик, ўқувчи саломатлигини ҳимоя қилиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини таъминлашнинг омиллари дандир. Жисмоний тарбия жараённида фақат соғломлаштиришгина эмас, балки таълим ва тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади.

Жисмоний тарбия болалар ҳаракат доирасини саломатлик асослари сифатида таъминлайди: руҳий тетиклаштиради, жисмо-

ний чиниқтиради, ижтимоий-хаёттый фаолликка ундаиди. Қолаверса, жисмоний тарбия боланинг бутун ҳаётини тўғри йўналтиришда марказий ўринда бўлиши керак.

Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда оммавий спорт мусобақалари баробарида маҳсус соғломлаштириш машғулотларини ҳам ўтказиш лозим. Бунда ҳудудий ва этник, ижтимоий, маданий омилларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўқувчиларга тиббий санитария-гигиена хизмати кўрсатиш ҳозирги мактабнинг муҳим муаммосидир. Шунинг учун ўқувчиларни тиббий, санитария-гигиена хизматлари билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши даркор. Ўқувчиларнинг таълими, меҳнати ва дам олишига доир тавсиялар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг руҳий гигиена муаммоси руҳий-жисмоний жиҳатдан четта оғишларнинг олдини олиш сабабларини ўрганишни талаб қиласди. Шу сабабдан бу масала педагог ва руҳшунос олимларнинг диққат марказида турмоги, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар шу ҳақда аниқ таклифлар билан чиқишилари керак.

Кейинги пайтларда „Жисмоний тарбия“ дарсликларининг чоп этилиши жисмоний тарбияга эътиборнинг ёрқин далилидир. Дарсликлардан ўрин олган мавзулар болаларнинг ёшига, физиономиясига мос келиши лозим.

Мустақилликни мустаҳкамлашда, Ватан ҳимоясида, турли меҳнат жойларида жисмоний соғлом кишилар зарур. Бунда жисмоний тарбиянинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Тарбиячилар жисмоний тарбия жараённада жисмоний жиҳатдан соғломликни таъминлаш баробарида болаларнинг руҳий тетиклиги, ахлоқий юксалиши, жасурлиги, мардлиги, ўзига ишонч, матонат, чидамлилик, чиниқиш ва шу кабиларга аҳамият беришлари зарур. Бошқача айтганда, жисмоний тарбияни юқорида зикр қилинган вазифаларни амалга оширишга йўналтириш лозим.

## 7. Маҳаллада бола тарбияси ишларини ташкил этиш

Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз „Бир болага етти қўшни ота-она“ деб бежиз айтмаган. Тарбияда маҳалла таъсири кучлидир.

**Бинобарин, маҳалла ижтимоий тарбиянинг асосий тармоғи ҳисобланади.** У болага яккама-якка ёхуд жамоа бўлиб таъсир ўтказиши мумкин.

Маҳалла бола юриш-туришини, ўзини қандай тутишини, кўчада тенгқурлари билан ўзаро муносабатларини кузатиб боради, у яшаётган оилани, унинг турмуш тарзини яхши билади. Маҳалла аъзолари бола билан муносабатга киришганда ана шу ҳолатлардан келиб чиқади.

Маҳалла узлуксиз тарбия масканларидан бўлиб, у тарбиянинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш имкониятига эга. Тарбия мазмуни эса баркамол инсонни тарбиялаб етиштиришdir.

**Суҳбат.** Агар бола тартибсизлик қилса, унинг ножӯя хатти-ҳаракатлари сезилса, жамоатчилик ишларидан бўйин товласа, маҳалла оқсоқоллари у билан яккама-якка суҳбатлашадилар, панд-насиҳат қиласидилар. Боланинг фикрларини эшитадилар. Бу, албатта, қисман бўлса-да, ўз самарасини беради.

**Жамоа бўлиб таъсир ўтказиш.** Яккама-якка суҳбатдан ўзига хулоса чиқариб олмаган бола оқсоқоллар кенгаши идорасига чақирилиб, улар ўз фикрларини у ёки бу шакл-мазмунда билдиришади. Керак бўлса, танбеҳ беришади, ота-онасини таклиф қилишади. Ўша болага жамоа бўлиб таъсир ўтказишади, одобли тенгқурларини ишга солишади ва ҳоказо.

**Тўй-ҳашамлар, маъррака-маросимларда хизматга жалб этиш.** Маҳалла болалари (катта ёшдагилар) ёшига, куч-куватига яраша хизматга бириклирилади: чой дамлаб туриш, даврага чой ёки овқат ташиш, маросимга келган машиналарга қараб туриш ва шу кабилар.

**Ҳашар.** Маҳаллада кам таъминланган ёхуд иқтисодий начор қариялар уйларини таъмирлаш, маҳаллани ободонлаштириш, кўчут ўтказиш ва ҳоказо.

**Бўш вақтни тўғри ташкил қилиш.** Маҳаллада болалар учун ўйингоҳлар, кичик стадионлар қуриш ва у ерларда бадантарбия ва спорт ишларини ташкил қилиш ишлари муҳимдир.

Қолаверса, болалар билан тез-тез турли мавзуларда кечалар, учрашувлар ўтказиб туриш, шунингдек, маҳалла болаларни ташқиғайри кучлар ёмон йўлга киритмаслигини, чекиш ва гиёхвандлик кўчасидан юрмаслигини назорат қилишни кучайтириши зарур.

Бу муҳим ва зарур ишларни амалга оширишда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги (биз болаларни тарбиялашда оила, маҳалла

ва мактаб ҳамкорлиги түғрисида йўлланма бериб ўтирмаймиз, чунки бу хусусда 1993 йилда маҳсус концепция яратилган), бирга ҳаракат қилиши жуда катта самара беради.

Маҳаллада бола тарбияси қўйидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириши лозим:

- комил инсонни тарбиялаш;
- бирдамлик ва ҳамдамлик;
- жамоа орасида ўзини тутиш;
- катталарга ҳурмат;
- маҳалла озодалиги ва тинчлигини таъминлашга ўргатиш;
- ташқи ғайри кучлар таъсиридан асрар;
- чекиш, гиёҳвандлик, ичкиликтозлиқдан асрар;
- бўш вақтни тўғри ташкил қилиш;
- ҳашарларда болалар фаоллиги;
- спортга қизиқиш;
- миллий қадрият ва ҳалқ анъаналарини қадрлаш;
- ҳар соҳада фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик;
- миллий истиқлол ғоясига эътиқод ва шу кабилар.

## 8. „Меҳрибонлик уйлари“да тарбия

Етим-есирларга ғамхўрлик кучли ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисмидир. Бу сиёсатнинг амал қилиши ҳалқимизнинг узоқ тарихига бориб тақалади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бундай дейди: „Ватандошларимиз бир-бирларига елкадош, аҳил-иноқ бўлиб яшашида, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар ва болалар, қаровсиз ва муҳтож кишиларимиз ҳимоясини ташкил қилишда ўзимизнинг кучимизни ва меҳнатимизни ҳеч қачон аямаймиз“ („Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари“, Т., „Ўзбекистон“, 1993, 41-бет). Бизнинг жамиятда етим болаларга ғамхўрлик ғояси дастуруламал бўлиб келмоқда. Бу масала Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва „Таълим тўғрисида“ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Шунингдек, боқувчисидан у ёки бу сабаб билан маҳрум бўлган етим-есирларга ғамхўрлик қилиш муқаддас Қуръони Каримда ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳадисларида ҳам алоҳида кўрсатилган. Тарихда ўтган фузалою уламоларимиз, донишманд шоир ва олимларимиз етим-есирлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, бу ҳақда пурмаъно ҳикматли фикр ва насиҳатларини беришган.

Хуллас, бокувчисидан маҳрум бўлган болаларга кўмаклашиш, уларни тарбиялаш ўзбек халқининг азал-азалдан урфодати ва анъанасиға айланган.

Бизнинг мамлакатимизда бокувчисидан маҳрум бўлган етимесирлар учун „Меҳрибонлик уйлари“ ташкил қилинганди, уларнинг таълим-тарбиясини давлат таъминлайди.

Бу болаларнинг тарбиясида уларнинг руҳий кечинмаларини, чунончи, қалбидаги қандайдир кемтикликни, ўксикликтини, отона меҳрига зориқиши туйғуларини, феъл-авторидаги норозилик кайфиятларини албатта ҳисобга олиш зарур.

Тарбиячилар эса, ўз навбатида, улардаги инжиқликларни, нафратни, кайфиятидаги ўзгарувчанликни кечириб, тарбия натижасини сабр-тоқат билан кутишлари ва тарбияни узвий равишда олиб боришлари, меҳр-оқибат кўрсатишлари, ота ва она сингари ғамхўрлик қилишлари керак. Шунингдек, талабчанлик билан меҳрни қўшиб олиб боришлари лозим.

„Меҳрибонлик уйлари“ болаларини тарбиялашда тарбиячилар уларнинг психологиясини, хулқ-авторини, кўнглини, камолот даражасини, муомала маданиятининг ўзига хос хусусиятларини, талаб ва эҳтиёжларини, қизиқишлигини, ижтимоий қарашларини, турмушга муносабатини, савияларини, иқтидорини, салоҳиятини, дунёқарашини, таъсирчанлигини ва шу кабиларни яхши ўрганиб, тарбияни тегишли педагогик йўналишларда олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

„Меҳрибонлик уйлари“га маҳалла, жамоатчилик, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳомийлар эътиборни кучайтирсалар, тарбияланувчиларда давлат ва жамиятга, ўзлари тарбияланадиган маскан ва устозларига ҳурмати шаклланади, чукур илдиз отади.

## 9. Нуқсонли болалар тарбияси

Нуқсонли болаларга: кўзи ожизлар, карлар, соқовлар, ақли заифлар, ногиронлар (қўл-оёғи чўлоқлар) киради. Улар жамоадан ажралган, фаол муомала-муносабатдан маҳрум, одамларни, теварак-атрофни кўриш ва улардан лаззатланиш ёхуд завқ олиш имкони бўлмаган ҳолатдадирлар. Бундай болалар билан ишлаш жуда мураккаб ва қийин. Уларнинг феъл-авторлари, руҳи, кайфияти, қарашлари, фикрлашлари, ҳаётга муносабатлари турлича бўлади.

Демак, нуқсонли болаларни комил инсон қилиб етиштиришда ўзгача шакл ва методлардан, восита ва омиллардан фойдаланиш керак.

Аввало, уларнинг нуқсонларини қисман бўлса-да, бартараф этиш, қолаверса, келажакка ишонч ва умидворликни ошириш, ўзгаларга хос ва мос меҳнат орқали шахсий турмушга тайёрлаш маҳсус педагогика фани ва маҳсус мактаб-интернатларнинг асосий вазифасидир.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, нуқсонли болаларда турли руҳий-маънавий, психологик-педагогик таъсир орқали ўз-ўзига ишонч кўнгилларини шакллантириш, вужудга кела бошлаган шу ишончни ривожлантириш, мукаммаллаштириш энг зарурий тарбия шартларидан ҳисобланади. Ўз-ўзига ишонч туфайли улар жамиятнинг керакли аъзоси эканини англаб етадилар.

Қўл-оёғи ногиронларнинг етук рассом бўлиб етишгани, радио ва телевизорларни таъмирловчи уста эканлари ҳақидаги далиллар анчагина. Демак, ҳамма гап таълим-тарбиянинг маҳсус педагогика, маҳсус тарбия талаблари асосида йўналтирилганлигида, ғамхўрликда, тегишли шарт-шароитларни яратиб беришдадир.

Айниқса, нуқсонли болалар тарбиясида психологлар, шифокорларнинг ишини педагог, тарбиячилар билан ҳамкорликда ташкил қилиниши мухим тарбиявий аҳамият касб этади. Улар бағрикенг, раҳмдил, меҳридарё бўлишлари лозим.

## **10. Қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар тарбияси**

Қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни бир жойга йиғиш ёки улар билан тарбиявий ишларни олиб бориш мисли кўрилмаган оғир ишдир. Бироқ ҳукуматимиз улар билан шугулланиш, тарбия жойларига ўрнаштириш, уларга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Қаровсиз ва назоратсиз болалар деганда қайси болалар назарда тутилади? Қандайдир сабаблар, аянчли воқеа ёки ҳодисалар туфайли ёхуд ташқаридан ўтказилган ёвузона таъсир сабабли ўз уйидан қочиб кетган болалар. Уларнинг тайинли қўним жойи бўлмайди. Бундай болалар ёки тиланчилик қилишлари, ёки ўғирлик билан шуғулланишлари мумкин.

Улар, аввало, ўжар ва қайсар бўлишади, шунингдек, ёвуз ниятили кишилар таъсирига тез бериладилар, сал нарсага ишониб, ҳар хил бемаъни, ножӯя йўлларга кириб кетишлари осон бўлади.

Худди шунинг учун зикр қилинган қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар тарбияси билан жиддий шуғулланиш долзарб масаладир. Улар билан маҳалла, жамоатчилик, ички ишлар бўйимларининг болалар нозирлари ва бошқалар машғул бўлишлари ва қўйидаги ишларни амалга оширишлари керак:

1. Қаровсиз ва назоратсиз қолган болаларни ҳисобга олиш рўйхатини тузиш;
2. Улар учун маҳсус тарбия муассасалари ташкил этиш ва шу жойга йиғиши.
3. Бундай болаларга ўзгача меҳр кўргазиб, ғамхўрлик қилиб, турли маҳсус таълим-тарбия воситалари ҳамда шакл ва методлари тизими асосида тарбиявий ишларни олиб бориш.
4. Шунингдек, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғларини излаб топиш, лозим топилса, улардан фойдаланиш.
5. Қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар тарбияси учун психологлар ёхуд тегишли малакали тиббиёт ходимларини жалб қилиш.
6. Уларни ташқи ёвуз ниятли кишилар таъсиридан озод қилиш.

Энг асосийси, уларни яхши инсон бўлиб етишишлари учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиш лозим.

## **11. Концепцияни амалга оширишнинг илмий-услубий асослари**

„Бола тарбияси концепцияси“ да бола тарбиясига оид турли қарашлар ва тамойиллар тизими, бола тарбияси билан боғлиқ далиллар ва ҳодисаларни тушуниш, англаш, идрок этиш усуллари, шунингдек, бола тарбиясининг асосий ғоя ва йўналишлари ўз ифодасини топди. Уни яратишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларида илгари сурилган тарбия ғоялари, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, „Таълим тўғрисида“ги Қонун, мумтоз педагог олимларнинг ижтимоий-педагогик, фалсафий-маърифий қарашлари, ҳалқ педагогикаси методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Муқаддас Куръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Имом Фаззолий, Шайх Нажмиддин Кубро каби фузалою алломаларнинг, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал-Беруний, Ал-Форобий,

Алишер Навоий сингари олиму шоирларнинг асарларидаги бола тарбиясига оид фикрлар умумлаштирилиб, чиқарилган умумий холосалар бир тизимга келтирилди.

Энг асосийси, мазкур „Бола тарбияси концепцияси“га миллий истиқдолғояси тұла сингдирилди, унда фалсафий-тарбиявий, ижтимоий-педагогик, маданий-маърифий, ахлоқ-одобга оид фазилатлар қоидалари, ҳозирги замон тарбия тамойиллари ўз ифодасини топди.

Концепцияни болалар қалбига ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг түрли шакллари, методлари орқали амалга оширилади. Бунда құйидаги вазифаларни бажарып назарда тутилиши лозим:

- оиласа, мактабгача тарбия ва таълим муассасаларыда болалар ва ёшларнинг ёшига, хулқ-атворига мос ҳолда миллий истиқдол мағкураси асосида миллий тарбияни сингдиришни ва шу руҳда тарбиялашнинг дифференциал тарбиявий-психологик дастурини яратиш;
- „Таълим түғрисида“ ги Қонун ва юртбошимиз асарларыда илгари сурилган тарбия ғоялари, миллий қадриятлар ва халқ анъаналарини тарбия жараёніда татбиқ этиш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;
- тарбия дастурлари ва режалари, дарслік ва қўлланмаларда миллий истиқдол мағкурасини, миллий анъаналарни, халқ тажрибаларини, ҳозирги замон тарбия йўсинини тұла ва теран акс эттириш;
- тарбия жараёнига ҳозирги замон педагогик технологияларини жорий этиш;
- „Меҳрибонлик үйлари“даги болалар, нуқсони бор, қаровсиз ва назоратсиз қолған болалар тарбияси учун зарур бўлған маҳсус педагогика ва тарбия талабларига мос дастурлар, дарслік ва қўлланмаларни илмий-услубий жиҳатдан мукаммаллаштириш;
- тарбиячи кадрлар малакасини оширишни юқори савияга кўтариш;
- жойлардаги тарбиявий ишларни янада яхшилаш мақсадида:
  - а) тажриба алмашишни түғри йўлга қўйиш ва тажрибларни оммалаштириш;
  - б) тарбия масканларини компьютерлаштириш ва тарбия учун керакли кўргазмали қуроллар, видеофильмлар тайёрлаш;

- тарбия назарияси ва методикаси бўйича илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш;
- болалар тарбиясини, уларнинг онгини, миллий тафаккурини теранлаштиришга, эстетик дидини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга, ватанпарварлик, халқпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қиласиган бадиий адабиётларни оммавий нусхада чоп этиш ва шу кабилар.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, концепция ҳамма нарсани тўла-тўкис қамраб олиши қийин. Шунинг учун уни амалга оширишда тарбиячиларнинг ижодкорлиги, ўз устида ишлашлари, янги-янги тарбия методларини ўйлаб топишлари лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Т., „Ўзбекистон“, 1992.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., „Ўзбекистон“, 1992.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1- жилд, Т., „Ўзбекистон“, 1996.
4. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби, V жилд, Т., „Ўзбекистон“, 1997.
5. Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. Т., „Ўзбекистон“, 1998.
6. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Мулоқот журнали, 1998 йил, 5-сон.
7. Каримов И. А. „Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда“, Т., „Ўзбекистон“, 1999.
8. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси, Т., „Ўзбекистон“, 1999.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. VIII жилд, Т., „Ўзбекистон“, 2000
10. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, VII жилд, Т., „Ўзбекистон“, 1999.

\* \* \*

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., „Ўзбекистон“, 1992.
12. „Таълим тўғрисида“, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“, („Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори“ китоби), Т., „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни. 1997.
13. Қуръони Карим. Т., „Чўллон“, 1993.
14. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари, Т., „Фан“, 1990.
15. Имом Бухорий. „Ҳадис“, 4 жилдлик, Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1992.
16. Имом Термизий, Саҳиҳи Термизий, Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1993.

\* \* \*

17. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., „Ўқитувчи“, 1992.
18. Азаров Ю. П. Болаларни севишсанъати, Т., „Ўқитувчи“, 1992.

19. **Беруний, Абу Райхон.** Қадимги халқлардан қолған ёдгорликлар, Т., 1968.
20. **Беҳбудий М.** „Танланган асарлар“, Т., „Шарқ“ нашиёти, 1994.
21. **Жабборов И.** Ўзбек халқ этнографияси, Т., „Ўзбекистон“, 1994.
22. **Жовлиев Т.** Анъаналар — ҳаёт сабоги, Т., „Ўзбекистон“ 1992
23. **Зиёмуҳамедов Б.** Маърифат асослари, Т., „Ўзбекистон“, 1998.
24. **Иномова М.** Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. Т., „Фан“, 1999.
25. **Истроилов Ш.** Миллий қадриятлар. Мактабгача тарбия журнали, 1992 йил, 3-сон.
26. **Кайковус.** Қобуснома. Т., „Ўқитувчи“, 1986.
27. **Малонова Р., Ҳайдаров М.** Қадриятлар, урф-одатлар, „Бошланғич таълим“ журнали, 1994 йил 9—10-сонлар.
28. **Маҳкамов У.** Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т., „Фан“, 1994.
29. **Мусурмонова О.** Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., „Ўқитувчи“, 1996.
30. **Мусурмонова О.** Оила маънавияти — миллий ғуруп. Т., „Ўқитувчи“, 1999.
31. **Мунавварова А.** Оила педагогикаси, Т., „Ўқитувчи“, 1994.
32. **Алишер Навоий.** Маҳбуб ул-қулуб, Т., 1997.
33. **Очилова Н.** Наврӯз, Т., „Фан“, 1992.
34. **Очилов М., Очилова Н.** Ўқитувчи одоби, Т., „Ўқитувчи“, 1997.
35. **Очилов М.** Ахлоқий тарбия, Т., „Ўқитувчи“, 1992.
36. **Очил, Сафо.** Қалб гулшани, Т., „Ўқитувчи“, 1993.
37. **Очил, Сафо.** Инсон зийнати — одобдир. Т., „Ўқитувчи“, 1996.
38. **Очил, Сафо.** Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И. А. Каримов асарлари мисолида), Т., „Ўқитувчи“, 1999.
39. **Рашидов А.** Миллий анъаналар — тарбия манбаи, „Халқ таълими“ журнали, 1993 йил, 3-сон.
40. **Саримсоқов Б.** Ўзбек маросимлари фольклори, Т., „Фан“, 1986.
41. Темур тузуклари. Т., F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
42. **Тўраева О.** Бола азиз, одоби ундан азиз. — Тошкент: „Ўқитувчи“, 1986.
43. **Ҳошимов К.** Талабаларни миллий қадриятларимиз асосида ахлоқ-одоб руҳида тарбиялайлик // Илмий-назарий конференция материаллари. — Тошкент.; 1993.
44. **Ҳайдаров М.** Педагогик мерос — тарбия манбаидир. // Бошланғич таълим. — 1992.

45. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг. — Тошкент: „Юлдузча“, 1990.
46. Ҳошимов К., Очил С. Ўзбек педагогикаси антологияси (I—II жиллар). Тузувчи-муаллифлар: —Тошкент: „Ўқитувчи“, 1995—1999.
47. Ўзбек энциклопедияси, I—XIV жиллар. — Тошкент.; 1971—1980.
48. Қодиров Б. О. Ўзбек халқ педагогикасининг шаклланиши. Тошкент, „Фан“, 1992.
49. Қуранов М. Мактаб маъмурияти ва миллий тарбия. — Тошкент, „Фан“, 1997.
50. Фозиев Э. Олий мактаб психологияси. — Тошкент, „Ўқитувчи“, 1997.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. Жамият ва бола тарбияси .....	4
2. Бола тарбиясининг мақсад ва вазифалари .....	5
3. Тарбия ишларининг моҳияти ва мазмуни .....	7
4. Бола тарбиясининг асосий тамойил ва воситалари .....	8
5. Бола тарбиясининг босқичлари .....	10
6. Тарбиявий ишларниң шакл ва методлари .....	10
Ахлоқий тарбия .....	12
Батанпарварлик тарбияси .....	13
Меҳнатсеварлик тарбияси .....	13
Экологик тарбия .....	15
Эстетик тарбия .....	15
Иқтисодий тарбия .....	17
Ҳуқуқий тарбия .....	18
Жисмоний тарбия .....	19
7. Маҳаллада бола тарбияси ишларини ташкил этиш .....	20
8. „Меҳрибонлик уйлари“да тарбия .....	22
9. Нуқсонли болалар тарбияси .....	23
10. Қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар тарбияси .....	24
11. Концепцияни амалга оширишнинг илмий-услубий асослари .....	25
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	28

**Бола тарбияси концепцияси /F. Мұхамедов, С. Очилов, М. Ҳайдаров, З. Исмоилова, Л. Нурмұхамедова; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУ.— „Ўқитувчи“ НМИУ, 2006. 32 б.**

1. Мұхамедов F. ва бошқ.

ББК 74.00

**ҒАФУРЖОН МУҲАМЕДОВ, САФО ОЧИЛ, МАМАТ ҲАЙДАРОВ, ЗУҲРА ИСМОИЛОВА, ЛАЙЛО НУРМУҲАМЕДОВА**

## **БОЛА ТАРБИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

*„O'qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2006*

Мұхаррір С. Ҳўжааҳмедов

Бадиий мұхаррір Ш. Ҳўжаев

Техник мұхаррір Т. Грешникова

Мусаҳҳиҳлар: З. Содиқова, Н. Жумаева

Компьютерда саҳифаловчи К. Ҳамидуллаева

ИБ № 8749

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 22.02.2006. Бичими 84x108<sup>1/1</sup>. Кегли 10 шпонли. Гарнтаймс. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр. т. 2,0. 1000 нұсқада босилди.  
Буюртма №15.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O'qituvchi“  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент—129, Навоий күчаси, 30-  
уий. //Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов күчаси, 1-уий.  
Шартнома 12—04—06.